социальные и профессиональные возможности индивида. Однако при положительном отзыве о его возможности трудоустроиться лицо с ограниченными возможностями может лишиться социального пособия по инвалидности. В соответствии с действующим законодательством привлечение специалистов по социальной и профессиональной реабилитации для установления ограничения способности к трудовой деятельности во ВТЭК возможно, но эта возможность практически не используется из-за отсутствия таких специалистов. Организациям легче оплатить штраф за непринятые на резервируемые рабочие места лиц с инвалидностью, чем работодателю согласовывать с ВТЭК индивидуальную программу реабилитации, создавать специальное рабочее место.

Многие люди с ограниченными возможностями не обращаются во ВТЭК за направлением на работу в связи с тем, что у них могут снять группу инвалидности, и они не уверены смогут ли успешно трудоустроиться.

Некоммерческие негосударственные организации оказывают большую роль в социализации молодёжи с ограниченными возможностями, в том числе в освоении ими бытового обслуживания, навыков ручного труда и в целом возможности общаться и развиваться. Однако в ННО у молодых людей с ограниченными возможностями общение и взаимодействие происходят только друг с другом, т.е. сфера коммуникации с обществом происходит только в рамках определенной организации. В связи с этим, целесообразно рассмотреть вопрос об усилении волонтерской деятельности в республике с широким привлечением молодежи, обучающейся в академических лицеях и высших образовательных учреждений, обсуждением существующих социальных проблем в средствах массовой информации. Следует отметить отсутствие налаженного социального партнерства государственных образовательных учреждений с негосударственными некоммерческими организациями.

В третьей главе диссертации **«Виды социализации и трудовой интеграции молодежи с ограниченными возможностями в современном обществе»** изложены результаты социологического исследования.

В целях выявления особенностей процесса социализации молодежи с ограниченными возможностями, определения препятствий в ее трудовой интеграции были использованы качественные методы исследования. Так, посредством автобиографического метода исследования составлено 10 биографий респондентов, имеющих различные диагнозы и группы инвалидности. В автобиографическом интервью приняли участие 7 девушек и 3 молодых человека с инвалидностью в возрасте от 22 до 33 лет. 5 человек имеют приобретенную инвалидность (из них: двое с диагнозом «полиомиелит» и трое получившие инвалидность после 14 лет).

Для практического применения разработанных критериев, было проведено глубинное интервью с 40 молодыми людьми с ограниченными возможностями. Среди респондентов, в основном, преобладала молодежь в возрасте от 18 до 30 лет с диагнозом «детский церебральный паралич» и

ментальными нарушениями. Однако среди молодых лиц с ограниченными возможностями были и лица, сочетающие два вида психофизиологических нарушений. В качестве респондентов выбраны члены некоммерческих негосударственных организаций «Умидворлик», «Милениум», «Мехрибонлик», «Ассоциация деловых женщин-инвалидов Узбекистана», «Опа-сингилар» и др.

С целью выявления роли основы созданной нормативно-правовой базы в процессе интеграции лиц с ограниченными возможностями проведено интервью с 20 экспертами в различные промежутки времени.

В данном исследовании была поставлена задача понять, что влияет на успешность социализации молодежи с ограниченными возможностями, с какими препонами они сталкиваются при реализации своего права на образование и труд; какую роль играют члены семьи в их социализации, что помогает молодежи с инвалидностью реализоваться и развиваться, какие факторы способствуют их дезинтеграции и изоляции; какие сложности выделяют сами респонденты. При этом уделяется внимание на то, какие именно трудности выделяют сами респонденты, что позволяет “бросить взгляд изнутри” на понимание, чего же хотят сами молодые люди и что им мешает реализоваться.

Из трех официально принятых групп инвалидности преобладают респонденты со второй группой инвалидности – 57,5% (см. табл. 7).

Таблица 7

Распределение респондентов по видам инвалидности, %

ДЦП	2 формы инвалидности (ДЦП и олигофрения, Ф-70)	Ментальные нарушения Ф-70	Незрячие	Синдром Дауна	Другие виды инвалидности	Из них инвалидность в разрезе групп		
						I	II	III
50%	10 %	12,5 %	5%	2,5%	20%	57,5	22,5	

Большинство респондентов – 25% посещали дошкольное образовательное учреждение, но непродолжительное время, 25% респондентов, в основном, имеющих проблемы в самостоятельном передвижении, получили обучение на дому, 18% – в спецшколе-интернате и лишь 30% окончили общеобразовательные школы (таблица 8). У некоторых молодых людей с инвалидностью, окончивших спецшколу-интернат, наблюдались попытки учиться в общеобразовательной школе. Однако большинство респондентов отмечали, что родители не желали, чтобы их детей обижали в обычной школе. Так, респонденты с ментальной инвалидностью отмечали, что после окончания начальных классов они открыто подвергались насмешкам и издевательствам сверстников. Кроме того, например, для незрячих массовая школа не была адаптирована ни для их передвижения, ни для обучения.

Только один респондент (Д.П группа, полиомиелит) из опрошенных после надомного обучения поступил в ВОУ и работает в ННО. Как он подчеркивал, *«приходили преподаватели домой 2–3 раза в неделю, но этих знаний было недостаточно, и я посещал репетиторов»*.

Из 40 человек, 25 живут на пособие по инвалидности (по состоянию на апрель 2019 года пособие по инвалидности составляет 404 000 тыс.сум), 8 человек не получают пособия по инвалидности, не имеют работы, из них пять человек были лишены пособия по инвалидности в 2011 году, у троих из них с ментальными нарушениями не определена группа инвалидности.

Изучение семей, имеющих детей с ограниченными возможностями, показало, что большое влияние на самореализацию оказывает воспитание в семье и восприятие родителями возможностей своего ребёнка. Родители, в частности матери, осуществляющие гиперопеку над ребёнком с инвалидностью, впоследствии подводят к тому, что общество в итоге получает неадаптированного к самостоятельной жизни человека.

Интервью с молодыми людьми дает основание утверждать, что отсутствие мотивации к получению высшего образования, невозможность трудоустройства приводят в итоге при достижении 30-летнего возраста к нежеланию чего-то достигать и развиваться. Это объясняется следующим противоречием: лицо с ограниченными возможностями, трудоустроившись, лишается пенсии по инвалидности, хотя фактически самого диагноза не лишается. Отсюда следует, что не пенсия по инвалидности порождает иждивенчество, а страх остаться без социальной защиты и средств к существованию.

Участие людей с ограниченными возможностями в трудовой деятельности имеет важное значение, так как способствует формированию их как личности, повышению доходов, появлению чувства полноценности жизни, расширению возможностей создания условий для самостоятельности и устранения психологического барьера между ними и людьми, не имеющими ограничений по здоровью.

Следует отметить, что из всех опрошенных респондентов 16 человек (40%) работают, из них официально трудоустроены 8 (20%), в основном в ННО для лиц с ограниченными возможностями. Из этого общего числа работающих 12,5% подрабатывают частным образом, помогают в семейном магазине, ремонтом компьютерной техники и только 5% работают в государственных учреждениях. Большинство трудоустроенных работают в некоммерческих негосударственных организациях - 22,5%. 32,5% трудоустроенных имеют инвалидность II группы и только 7,5% являются инвалидами III группы.

В результате проведенного глубинного интервью получены следующие данные: 25% всех респондентов, в целом, имеют полную социализацию, 42,5% - частично социализированы в какой-либо сфере, не имеют постоянных заработков, 22,5% - односторонне социализированы и 5% прошли процесс ресоциализации вследствие приобретенной инвалидности, однако, 5%-

десоциализированы в связи с явными ментальными нарушениями. Между тем один респондент имеет высокую степень десоциализации, так как в большинстве случаев изолирован от общества и, соответственно, демонстрирует неадекватное поведение в обществе (таблица 8).

Таблица 8

Виды социализации молодежи с ограниченными возможностями

Уровни социализации	Полная социализация	Частичная социализация	Односторонняя социализация	Ресоциализация приобретенной инвалидности	Десоциализация
Высший	2 (5%)	7 (17,5%)	5 (12,5%)	-	1 (2,5%)
Средний	6 (15%)	6 (15%)	3 (7,5%)	2 (5%)	-
Низший	2 (5%)	4 (10%)	1 (2,5%)	-	1 (2,5%)
Итого	25%	42,5%	22,5%	5%	5%

Результаты исследования показывают, что молодежь с инвалидностью как особая социально-демографическая группа, имеющая ограниченные возможности в силу различных нарушений (физических, умственных, сенсорных, психических), социально не приспособлена к взаимодействию с окружающей средой и обществом. Под «социальной неприспособленностью» мы понимаем не только физические барьеры, приводящие к сегрегации лиц с инвалидностью, но и неготовности общества к коммуникации с особыми людьми, сформированной на основе консервативных стереотипов, приводящих к неосознанной дискриминации людей с инвалидностью.

ЗАКЛЮЧЕНИЕ

Проведенный теоретико-прикладной анализ заявленной темы показал целесообразность осуществления направлений деятельности, содействующих процессу успешной социализации молодежи с ограниченными возможностями, и позволяет прийти к следующим выводам:

1. На успешность социализации лиц с ограниченными возможностями большое влияние оказывают агенты первичной социализации, т.е. семьи, которые воспитывают в своем ребенке с инвалидностью восприятие к себе как к полноценной личности.

2. Молодые люди с ограниченными возможностями, окончившие инклюзивные и общеобразовательные школы, а также лицеи, более социализированы в обществе по сравнению с выпускниками специализированных колледжей.

3. Разработанные критерии социализации позволили проанализировать и выявить успешность процесса социализации молодежи с ограниченными возможностями.

4. Интервью с молодыми людьми с особыми потребностями показали, что «инвалидами» они считают лиц с ментальными нарушениями, которые однако в законодательном плане не всегда приравниваются к людям с инвалидностью.

5. Исследование показало, что молодые люди с ограниченными возможностями не обращаются в ВТЭК и центры содействия занятости ввиду боязни потерять пенсию по инвалидности.

6. Результаты исследования подтвердили наличие стереотипов среди общества в отношении молодых людей с инвалидностью о неспособности реализоваться людям с ограниченными возможностями ни в образовательной, ни в трудовой сфере, тем более в семейном плане.

7. Предложения по совершенствованию положения лиц с ограниченными возможностями в трудовой сфере послужили повышению доходов среди молодежи с инвалидностью посредством предпринимательской деятельности.

8. Предложения по устранению стереотипов общества в отношении лиц с ограниченными возможностями позволили привлечь к волонтерской деятельности молодых людей в ННО для лиц с инвалидностью.

9. В настоящее время ни в медико-социальных учреждениях, ни в структуре органов самоуправления граждан не предусмотрены штатные единицы для дипломированных социальных работников, которые на профессиональном уровне выполняли бы возложенные обязательства. На основе изучения возложенных полномочий на органы самоуправления граждан в целях повышения их профессиональной компетентности установлена необходимость повышения квалификации сотрудников органов самоуправления граждан по программе курса «Социальная работа. Социальный работник».

10. Для укрепления интеграции молодежи с ограниченными возможностями в общество целесообразно обеспечить бесплатным пользованием городским пассажирским транспортом инвалидов I группы на креслах-колясках совместно с сопровождающим его лицом.

11. Рассмотреть вопрос о повышении социального пособия для лиц с инвалидностью I группы на креслах-колясках.

12. На основе изучения международного опыта и учета того, что для многих работодателей характерен ряд стереотипов в отношении трудоспособности людей с ограниченными возможностями, необходимо внедрить следующее: законом определить, что каждая организация при наличии более 20 сотрудников обязуется принять на пробное трудоустройство (обучение на предприятии с учётом имеющейся специальности лица с инвалидностью) сроком на один месяц с осуществлением выплат по усмотрению руководителя. Целесообразно это закрепить на законодательном уровне.

13. В Законе «О социальной защищенности лиц с ограниченными возможностями» в статье 15 определена возможность получения дистанционного образования, однако работа, необходимая для осуществления в этой сфере, в отношении лиц с инвалидностью не развита. Следует создать на базе оснащенной информационными технологиями школы получение образования посредством дистанционного обучения (Интернета).

14. В целях привлечения к предпринимательской деятельности лиц с инвалидностью создать в каждой области республики Лавки по приёму и реализации товаров, изготовленных руками молодёжи с ограниченными возможностями.

15. Организовать в каждой махалле кружковую деятельность по бисероплетению, вязанию и т.д. с привлечением девушек с инвалидностью для их интеграции в общество и обеспечения досуга молодёжи.

16. Включить в план духовно-просветительской работы учебных заведений темы «Инклюзивное обучение», «Дети индиго» «Аутизм» и т.д., где при участии психолога следует объяснять ценность каждого человека вне зависимости от его внешнего вида или состояния. Осуществить проведение психологами общеобразовательных и средних специальных учреждений анкетирования среди учащихся с целью оценки отношения молодёжи к людям с инвалидностью. Целесообразно организовать в учебных заведениях республики конкурс социальных проектов на тему «Жизнь без границ», где учащиеся на основе интервью с молодёжью с ограниченными возможностями осветят в своих докладах проблемы людей с инвалидностью и пути их совместных решений.

17. Изучение зарубежного опыта трудоустройства людей с инвалидностью свидетельствует о необходимости выделения государственных средств в сферу подготовки специалистов по реабилитологии, которые помогут оценить возможности лиц с инвалидностью не только с позиции медицины, но и внутренних потенциальных ресурсов, которые заложены в каждом человеке.

**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ПРЕЗИДЕНТИ ҲУЗУРИДАГИ
ДАВЛАТ БОШҚАРУВИ АКАДЕМИЯСИ
ҲУЗУРИДАГИ ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ
DSc 29.12.2018. S. 23.02 РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ**

ЎЗБЕКИСТОН МИЛЛИЙ УНИВЕРСИТЕТИ

УЗАКОВА ЗАРИНА ФУРКАТОВНА

**АЛОҲИДА ЭҲТИЁЖЛИ ЁШЛАРНИНГ ИЖТИМОЙЛАШУВИ,
МЕҲНАТГА ИНТЕГРАЦИЯЛАШУВИНИНГ ЎЗИГА ХОС
ХУСУСИЯТЛАРИ**

22.00.02 – Ижтимоий тузилиш, ижтимоий институтлар ва турмуш тарзи

**Социология фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD) диссертацияси
АВТОРЕФЕРАТИ**

Тошкент – 2019

Социология фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD) диссертацияси мавзуси Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Олий аттестация комиссиясида В2017.10.PhD/Sots10 рақам билан рўйхатга олинган.

Докторлик диссертацияси Ўзбекистон Миллий университетида бажарилган.
Диссертация автореферати уч тилда (ўзбек, рус ва инглиз (резюме)) Илмий кенгаш веб-саҳифасида (www.dba.uz) ва «ZiyoNET» Ахборот-таълим порталида (www.ziyounet.uz) жойлаштирилган.

Илмий раҳбар:	Бегматов Абдуллажон Сирожиддинович фалсафа фанлари доктори, профессор
Расмий оппонентлар:	Матибаев Тасполат Болтабаевич социология фанлари доктори Норбеков Анвар Шамурадович социология фанлари номзоди
Етакчи ташкилот:	Ўзбекистон Давлат санъат ва маданият институти

Диссертация ҳимояси Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги давлат бошқаруви академияси ҳузуридаги DSc 29.12.2018.S.23.02 рақамли Илмий кенгашнинг 2019 йил «___» _____ соат ___ даги мажлисида бўлиб ўтади. (Манзил: 100066, Тошкент шаҳри, Ислом Каримов кўчаси, 45-уй. Тел.: 0(371) 232-60-47; факс: 0(371)239-17-83, e-mail: info@dba.uz Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Давлат бошқаруви академияси Маъмурий биноси, 11-қават, ___ хона).

Диссертацияси билан Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги давлат бошқаруви академиясининг Ахборот-ресурс марказида танишиш мумкин. (№___ рақам билан рўйхатга олинган). (Манзил: 100066, Тошкент шаҳри, Ислом Каримов кўчаси, 45-уй. Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги давлат бошқаруви академияси Маъмурий биноси, ___-қават, ___ хона. Тел.: 0(371) 232-60-47; факс: 0(371)239-17-83.

Диссертация автореферати 2019 йил «___» _____ кuni тарқатилди.

(2019 йил «___» _____ даги _____ рақамли реестр баённомаси.)

М.Б.Бекмуродов
Илмий даражалар берувчи Илмий кенгаш раиси, с.ф.д., профессор

А.Б.Юнусов
Илмий даражалар берувчи Илмий кенгаш котиби, с.ф.н., доцент

Ш.М.Содиқова
Илмий даражалар берувчи Илмий кенгаш қошидаги Илмий семинар раиси, с.ф.д., доцент

КИРИШ (докторлик (PhD) диссертацияси аннотацияси)

Диссертация мавзусининг долзарблиги ва зарурати. Дунё миқёсида бир миллиарддан зиёд киши (аҳолининг 15%) ногиронликнинг турли шаклларида азият чекади. Бу эса имконияти чекланган шахсларнинг ҳолати, уларнинг ижтимоийлашуви ва меҳнатга интеграциясини социологик ўрганишга бўлган бўйича кун тартибига янги вазифаларни ўрганишни тақозо этади. БССТнинг маълумотларига кўра, «... 15 ва ундан катта ёшли инсон ларнинг уларнинг қарийб 785 млн.и ногиронликда ҳаёт кечирмоқда»¹.

Жаҳоннинг 155 дан ортиқ мамлакатларида имконияти чекланган шахсларнинг жамиятга интеграциялашуви борасида олиб борилаётган тадқиқотларда жиддий ўзгаришлар кузатилмоқда, жумладан, давлат ва жамият томонидан ногиронлиги бор шахслар учун оилавий муҳит ҳолатини шакллантирилиши (Буюк Британия), ногиронлиги бўлган шахсларнинг тўлақонли яшаши учун моддий муҳитни яратиш (АҚШ), инклюзив таълим тизими (Швеция), меҳнатга интеграция қилиш орқали жамиятга мослаштирувчи (Голландия) ёндашувлар мавжуд ҳолатни янада оптималлаштириш имконини бермоқда.

Мамлакатимизда имконияти чекланган шахсларни ижтимоий ҳимоя қилиш борасида салмоқли ишлар амалга оширилиб, бугунги кунда республикаимизда 750 мингдан ортиқ ногиронлиги бўлган шахс яшайди, уларнинг 84 908 нафари - 16 ёшгача бўлган болалар², 116 000 нафари ёшлардир³, уларнинг қолганини катта ёшлилар ташкил этади. «Ногиронларга таълим бериш ва уларни ишга жойлаштиришнинг амалдаги тизими замонавий талабларга жавоб бермайди. Ногиронларни меҳнат фаолиятига жалб этиш ўртача 2 %ни ташкил қилади, бу масъул идораларнинг ушбу соҳадаги иши қониқарсизлигидан далолат беради»⁴. Шу сабабли ногиронлиги бўлган ёшларнинг ижтимоийлашуви, таълим олиши, жамиятга мослашуви, касбий, шахсий, оилавий нуқтаи назардан ўзини ўзи англаши, саломатлиги мустаҳкамланиши жамиятда тўлақонли шахс сифатида фаолият кўрсатиши учун ижтимоий зарурат ҳисобланади.

«Ўзбекистон Республикасида ногиронларни ижтимоий ҳимоя қилиш тўғрисида»ги, «Ёшларга оид давлат сиёсати тўғрисида»ги қонунлар, Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 7 февралдаги ПФ-4947-сон «Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар стратегияси тўғрисида»ги, 2017 йил 1 декабрдаги ПФ-5270-сон «Ногиронлиги бўлган шахсларни давлат томонидан қўллаб-қувватлаш тизимини тубдан такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги, 2017 йил 5 июлдаги ПФ-

¹ http://specialbank.ru/2016/12/23/stats_world Международная статистика инвалидности.

² Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 1 августдаги. Ногиронларни давлат томонидан қўллаб-қувватлаш тизимини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисидаги Ф-5006-сон Фармойиши. Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2017 й., 31-сон, 774-модда

³ Ногиронлар жамиятининг 2017 йил ҳолатига кўра маълумотлари.

⁴ Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 1 августдаги Ф-5006-сон Фармойиши. Ногиронларни давлат томонидан қўллаб-қувватлаш тизимини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида. Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2017 й., 31-сон, 774-модда.

5106-сон «Ёшларга оид давлат сиёсати самарадорлигини ошириш ва Ўзбекистон Ёшлар иттифоқи фаолиятини қўллаб-қувватлаш тўғрисида»ги фармонлари, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2007 йил 17 майдаги ПҚ-100-сон «Имконияти чекланган шахслар учун ихтисослаштирилган касб-ҳунар коллежлари фаолияти тўғрисида»ги Қарори, «Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 7 февралдаги ПФ-4947-сон фармони билан тасдиқланган «2017-2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини ривожлантиришнинг бешта устувор йўналиши бўйича Ҳаракатлар стратегиясининг «Фаол тадбиркорлик, инновацион ғоялар ва технологияларни қўллаб-қувватлаш йили»да амалга оширишга оид Давлат дастури»», шунингдек, мазкур фаолиятга оид бошқа меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатларда белгиланган вазифаларни амалга оширишга ушбу диссертацияда асослаб берилган илмий хулоса ва тавсиялар муайян даражада хизмат қилади.

Тадқиқотнинг республика фан ва технологиялари ривожланишининг устувор йўналишларига мослиги. Мазкур тадқиқот республика фан ва технологиялари ривожланишининг I. «Ахборотлашган жамият ва демократик давлатни ижтимоий, ҳуқуқий, иқтисодий, маданий, маънавий-маърифий ривожлантиришда инновацион ғоялар тизимини шакллантириш ва уларни амалга ошириш йўллари» устувор йўналиши доирасида бажарилган.

Муаммонинг ўрганилганлик даражаси. Тадқиқот мавзусига оид адабиётлар таҳлили шуни кўрсатадики, ногиронлиги бўлган шахслар, жумладан имконияти чекланган ёшлар муаммоларининг турли жиҳатлари жаҳон миқёсида фанлараро ёндашув кесимида ўрганиб келинмоқда.

Хорижлик олимлардан Э.Дюркгейм, Т.Парсонс⁵, П.Бергер, Т.Лукман каби муаллифларнинг⁶, Ф.Гиддингс ва Г.Зиммель У.Джемс, З.Фрейд, Э.Эриксон⁷, Э.Дюркгейм, М.Вебер⁸, М.Оливернинг⁹, И.Гофман¹⁰лар имконияти чекланган шахсларни стигматизациялаш, саломатлигида нуқсон бўлган шахсларни ижтимоий истисно қилиш, ногиронларнинг ижтимоийлашуви, ногиронлиги учун дискриминациялаш, ижтимоийлашувда психологик доминантлик, ижтимоий лойиҳалаш (конструкциялаш), тизимли-функционал таҳлил, имконияти чекланган ёшларни жамият учун ноқобил ижтимоий гуруҳлаш, «ижтимоий мослашмаганлик» тушунчаси таснифи,

⁵ Дюркгейм Э. Социология. Ее предмет, метод и назначение: –М.: Канон, 1995. –С. 45; Парсонс Т. О структуре социального действия. –М.: Академ проект, 2000. –С.15.

⁶ Бергер П., Лукман Т. Социальное конструирование реальности. Трактат по социологии знания. - М.: «Медиум», 1995. –С. 266.

⁷ Giddings F. The theory of socialization. New York. The macmillan company London: MACMILLAN & CO., Ltd. 1897 p. 10; Зиммель Г. Избранное. Проблемы социологии: Университетская книга, Центр гуманитарных инициатив. М., 2015; Джемс У. Психология. - М., 1991.–С. 45; Фрейд З. Психология бессознательного; Эриксон Э. Идентичность: юность и зрелость: пер.с англ. М.Флинта: Прогресс, 2006. –С. 12.

⁸ Дюркгейм Э. О разделении общественного труда: –М.: Канон, 1996. –С. 21.

⁹ Oliver M. The Politics of Disability. London: Macmillan, 1990. –С. 8.

¹⁰ Гофман И. Стигма: Заметки об управлении испорченной идентичностью. Часть 1. Стигма и социальная идентичность. Часть 2. Контроль над информацией и социальная идентичность (главы 3–6). Пер.М.С. Добряковой М.С. (E.Goffman. Stigma: Notes on the Management of Spoiled Identity. N.Y.: Prentice-Hall, 1963 – С. 18.

имконияти чекланган ёшларнинг социумга интеграциялашувини субмаданият нуқтаи назаридан ўрганишган.

МДХ олимлари Е.Р.Ярская-Смирнова, Э.К.Наберушкина, Е.И.Холостова, А.И.Осадчих, Н.Ф.Дементьева, М.В. Миронова¹¹ лар ногиронлиги мавжуд бўлган шахслар билан ижтимоий ишлар олиб бориш масаласини, имконияти чекланган шахсларга таълим беришни ижтимоийлаштириш муаммоларини Л.Пожар, Д.В.Зайцев¹²лар тадқиқ этган бўлса-да, имконияти чекланган шахсларнинг ижтимоийлашиш жараёни, асосан, тиббиёт, психология ва педагогика нуқтаи назаридан ўрганилган бўлиб, социологик жиҳатдан кам тадқиқ этилган.

Республикамиз олимларидан А.Бегматов, М.Бекмуродов, А.Умаров, Ш.Содиқова, О.Абдуазимов, Т.Матибоев¹³, Н.М.Латипова, Я.Е.Чичерина, Д.Нуркельдиева, В.С.Алимова, О.М.Баркер, Д.Д. Шарипова, Л.Ш. Нормухамедова, М.А.Усмонова, З.Р. Кадирова, Р.М.Махмудов, Ф.С.Гафурова¹⁴, С.А.Ахунджанова, М.Х.Ганиева, Л.Р.Муминовалар¹⁵ларнинг ишларида ижтимоий ҳимоя, ижтимоий ҳамкорлик, шахснинг ижтимоийлашувида менталитет ва оммавий ахборот воситаларининг ўрни, болалар ва ёшларнинг жамиятга ижтимоийлашуви, имконияти чекланган болалар билан ижтимоий иш олиб бориш жараёнлари, шахснинг ижтимоийлашиши, ёшларни ижтимоий ҳимоялаш ва бандлиги масалалари, меҳрибонлик (болалар) уйлари тарбияланувчиларининг ижтимоийлашиш жараёни, интеллектида нуқсонли бўлган, болалар церебрал параличи билан оғриган болаларни тузатиш ва тарбиялаш ишларини олиб бориш масалаларига

¹¹ Ярская-Смирнова Е. Р., Наберушкина Э. К. Социальная работа с инвалидами. – Саратов: СГТУ, 2003; Социальная работа с инвалидами. Настольная книга специалиста / Под ред. Холостовой Е. И., Осадчих А. И. М., 1996. –С. 6; Дементьева Н. Ф., Багаева Г. Н., Исаева Т. П. Социальная работа с семьей ребенка с ограниченными возможностями. –М.: Ин-т соц. работы, 1996. –С. 24; Миронова М.В. Влияние семьи на жизненный путь ребенка- инвалида: Автореф. дис. канд.соц.наук. –Екатеринбург 2009. –С. 11.

¹² Психология аномальных детей и подростков - патопсихология / Пожар Л. – Воронеж: МОДЭК; М.: ИПП, 1996; Зайцев Д.В. Интегрированное образование детей с ограниченными возможностями //СОЦИС. - 2004. - № 7. –С. 26

¹³Бегматов А.С. Ижтимоий шериклик-ижтимоий муносабатларнинг янги шакли. –Тошкент: Фан ва технологиялар, 2015. –Б.35; Бекмуродов М.Б. Ўзбекистонда жамоатчилик фикри. соц.фан. док. дисс... – Тошкент; 1999. – Б.48; Умаров А.А. Ижтимоий-маданий тараққиётни таъминлаш ва комил инсон шахсини шакллантиришда мутоаланинг роли: Соц. фан.док... дис. автореф. – Тошкент, 2005. –Б. 65; Содиқова Ш.М. Жамиятни модернизациялаш жараёнида кексаларни ижтимоий ҳимоялашнинг социологик таҳлили: Соц. фан. док... дисс. –Тошкент, 2016; Абдуазимов О. Ахборотлашган жамиятда жамоатчилик фикри мониторингини таъминлашда оммавий коммуникациялар социологиясининг ўрни. Соц. фан. док... –Тошкент, 2017; Матибаев Т.Б. Ўзбекистонда давлат ва жамият ҳаётининг демократлашуви жараёнида ижтимоий ҳамкорлик тизимини ривожлантириш омиллари: Соц. фан. докт... дисс. –Тошкент, 2017.

¹⁴Усмонова М.А. Ўзбекистонда кексалар ва ногиронларни ижтимоий ҳимоялашнинг ташкилий-ҳуқуқий муаммолари.. Ю.фан.ном...дисс. Тошкент, 1995; Кадырова З.Р. Проблемы повышения социальной активности молодежи Узбекистана в условиях всестороннего реформирования общества: Дисс...док.филос.ном.Т.2000; Нормухамедова Л.Ш. Оилада ногирон фарзандни тарбиялашнинг педагогик хусусиятлари. Дисс...К.п.н., Ташкент:2005; Махмудов Р.М. Шахс ҳуқуқий ижтимоийлашувининг назарияси ва амалиёти. Дисс...п.ф.д. Т.2011; Гафурова Ф.С. Социальная защита молодежи и пути её совершенствования в трудоизбыточных регионах Узбекистана: Дисс...к.э.н. Ташкент,1994.

¹⁵ Ахунджанова С.А., Ганибаева Ш.К, Ганиева М.Х. Система социальной защиты детей в Узбекистане: состояние и перспективы/Под ред. Ахунджановой С.А. – Ташкент.:МУНАРРИР, 2011. – 68 с.; Муминова Л.Р. Социальная защита детей в Узбекистане: наука и практик: монографический сборник. –Ташкент: Spectrum Media Group, 2015. – 252 с.

бағишланган¹⁶. Ўрганилаётган муаммога оид адабиётлар орасида Х.Халикулованинг илмий ишини алоҳида таъкидлаб ўтиш жоиз. Ушбу тадқиқотчи архив маълумотлари асосида Ўзбекистон Республикаси мустақиллиги йилларида имконияти чекланган шахсларнинг ижтимоий ҳолатини таҳлил этган¹⁷.

Олиб борилган тадқиқотларда имконияти чекланган шахслар муаммолари, уларнинг ижтимоийлашувининг ўзига хос жиҳатлари, улар билан ишлаш технологиялари, реабилитациялаш хусусиятларига бағишланган адабиётлар салмоқли бўлса-да, шунга қарамай, алоҳида эҳтиёжли ёшлар муаммоларини етарли даражада ўрганилмаётгани диссертант томонидан тадқиқот мавзусини танлаш имконини берди.

Тадқиқотнинг диссертация бажарилган олий таълим муассасасининг илмий тадқиқот ишлари режалари билан боғлиқлиги. Диссертация тадқиқоти Республика болалар ижтимоий мослашуви марказида 2017–2019 йилларда амалга оширилган БФ-1-001– «Ўзбекистон Республикасида сифатли узлуксиз инклюзив таълим тизимини ташкил этиш» фундаментал лойиҳаси доирасида бажарилган.

Тадқиқотнинг мақсади имконияти чекланган ёшларни ижтимоийлаштириш ва уларнинг меҳнатга интеграциялашуви жараёнларини такомиллаштиришга оид таклиф ва тавсиялар ишлаб чиқишдан иборат.

Тадқиқотнинг вазифалари:

алоҳида эҳтиёжли шахсларни ижтимоийлаштириш турлари ва даражаларини уларнинг жамиятдаги ҳолатини комплекс таҳлил қилишга йўналтирилган ҳолда ишлаб чиқиш;

ногиронлиги мавжуд ёшларнинг таълим олиши ва бунинг ишга жойлашиш жараёнига кўрсатган таъсирини таҳлил қилиш;

алоҳида эҳтиёжли ёшларнинг ижтимоий гуруҳи, уларнинг жамиятдаги ҳолати ва муваффақиятли ижтимоийлашуви йўлидаги тўсиқларни ўрганиш;

¹⁶Ганиева М.Х., Латипова Н.М., Алексеева В.С. Социальное обеспечение и защита детей и молодежи. Учебное пособие. – Ташкент: Yangi Nashr, 2017; Латипова Н.М. Особенности семейного воспитания. Scientific journal. Theoretical and Applied Science 10 (30): 2015 -P.79-84; Отамурастов С.С. Национальное самосознание социально активной части молодежи и его функционирование в условиях независимости Узбекистана (социологический анализ): Дисс... канд.социол. наук. Ташкент: 2000; Муминова Л.Р. Социальная защита детей в Узбекистане: наука и практика: монографический сборник. Ташкент: Spectrum Media Group, 2015. – 252 с.; Муминова Л.Р., Чичерина Я.Е. Методы и содержание коррекционно-развивающей работы по развитию интеллектуальных способностей у воспитанников детских домов «Мехрибонлик»; Нуркельдиева Д. Состояние и перспективы оказания коррекционно-развивающей помощи детям раннего возраста, воспитывающимся в интернатных учреждениях в Узбекистане. Science and world. International scientific journal №3, Volgograd.:Из-во Научное обозрение, 2017; Нуркельдиева Д.А. Акли заиф болаларнинг мактаб таълимига нуткий тайёрлигини аниқлаш методлари / Нуркельдиева Д.А. – Тошкент: ТДПУ, 2004; Алимова В.С. Целенаправленная реабилитация детей с церебральным параличом в условиях Республиканского центра социальной адаптации детей// Журнал «Наука и образование сегодня», апрель 2018; Шарипова Д.Д., Каримова М.И. Инклюзивное образование – важное средство социализации детей с ограниченными возможностями здоровья. Материалы международной конференции на тему «Социальная инклюзия: новые ориентиры социализации детей». 31 января – 1 февраля 2017 г. Ташкент: Республиканский центр социальной адаптации детей, 2017

¹⁷ Халикулова Х. “Ўзбекистонда имконияти чекланган шахсларни ҳимоя қилиш сиёсати (1991– 2014 йй)”: Т.фан.док...дисс.(Phd), Тошкент:2018

имконияти чекланган ёшларнинг муваффақиятли ижтимоийлашиши ва меҳнатга интеграцияси бўйича тавсифлар ишлаб чиқиш ҳамда жараён йўналишларини белгилаш.

Тадқиқотнинг объектини имконияти чекланган ёшларнинг ижтимоийлашиш жараёни ва меҳнатга интеграцияси ташкил этади.

Тадқиқотнинг предмети сифатида имконияти чекланган ёшларнинг таълим ва меҳнатга ижтимоийлашувининг ўзига хос хусусиятлари олинган.

Тадқиқотнинг усуллари. Диссертацияда ижтимоий тадқиқотларнинг асосий методлари – таҳлил ва синтез, қиёсий таҳлил, ўрганилган материални таснифлаш ва даврлаштириш, чуқурлаштирилган интервью, автобиографик услуб, статистик таҳлил каби методлардан фойдаланилди.

Тадқиқот ишнинг илмий янгилиги қуйидагилардан иборат:

ижтимоийлашувнинг беш механизми (тўлиқ, қисман, бир томонлама, қайта ижтимоийлашув, ижтимоийлашув имконияти чекланган) асосида имконияти чекланган шахсларни юқори, ўрта, қуйи даражаларда босқичма-босқич ижтимоийлаштирувчи иерархик модель ишлаб чиқилган;

имконияти чекланган ва соғлом шахслар ўртасидаги ижтимоий ҳамкорликнинг волонтерлик ҳаракати орқали амалга оширилиши уларни жамиятга интенсив интеграциялашувига имкон яратиши асосланган;

ногиронлиги бўлган шахсларнинг олий таълим олиш имкониятларини чеклашни бартараф этиш учун алоҳида имтиёزلарни қўллаш орқали (кириш имтиҳонлари ўтказиладиган бино ва аудиторияларда зарур шарт-шароитлар яратиш, ногиронлиги бўлган шахслар учун қўшимча давлат гранти квоталари) уларда интеллектуал ривожланиш ва ўз-ўзини ижтимоий бандлигини таъминлаш имконини ошириши асосланган;

инклюзив тадбиркорлик тизимини жорий этиш орқали имконияти чекланган шахсларнинг ишлаб чиқариш жараёнларига интеграцияси ва бандлигини таъминлашнинг ижтимоий имкониятлари очиб берилган.

Тадқиқотнинг амалий натижалари қуйидагиларда ўз аксини топган:

Имконияти чекланган ёшларни таълим ва меҳнат соҳасига ижтимоийлаштиришни таъминлаш, мамлакатимиз ёшларининг ногиронлиги мавжуд шахслар билан боғлиқ қараш (стереотип)ларини ўзгартириш имконини берадиган таклиф ва тавсиялар ишлаб чиқилган.

Тадқиқот натижаларининг ишончлилиги уларнинг республика ва халқаро конференцияларда муҳокама қилинганлиги, олинган хулоса, таклиф ва тавсияларнинг амалиётга татбиқ қилинганлиги, ваколатли органлар томонидан тасдиқланганлиги билан белгиланади. Диссертацияда алоҳида эҳтиёжли ёшлар билан бир қаторда, республика ёшлари орасида ўтказилган тадқиқотнинг сифат ва миқдорий услублари асосида олинган умумий натижалар акс эттирилган бўлиб, улар имконияти чекланган ёшларнинг ижтимоийлашуви ва меҳнат интеграцияси жараёнларига оид қиёсий ва икки томонлама таҳлил ўтказиш имконини берди. Жумладан, тадқиқотда республикамиз педагогика институтларининг 2500 нафар талабалари орасида турли вақт оралиғида ўтказилган 20 та эксперт интервьюлар, 40 та

чуқурлаштирилган интервьюлар асосидаги сўровномалар натижалари ва имконияти чекланган 10 нафар ёшларнинг автобиографиялари келтирилган.

Тадқиқот натижаларининг илмий ва амалий аҳамияти. Тадқиқот натижаларининг илмий аҳамияти уларни “Ўзбекистон Республикасида имконияти чекланган шахсларнинг ҳолати”га оид қарорни ишлаб чиқишда қўллаш мумкинлиги билан белгиланади. Мазкур тадқиқот имконияти чекланган шахслар таълими масалаларига ҳам бағишланган бўлиб, шунга кўра тадқиқот натижалари Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги, Ёшлар Иттифоқининг тегишли норматив ҳужжатларига киритилиши мумкин.

Тадқиқот натижаларининг амалий аҳамияти олинган хулосалар ва таклифлардан таълим муассасаларида маънавий-маърифий ишлар режаларини тузиш, шунингдек, «Ижтимоий иш», «Шахс ва жамият», «Маънавият асослари», «Ҳуқуқшунослик» фанларидан дарслик, ўқув қўлланмалари яратиш ва методик тавсиялар ишлаб чиқиш, таълим тизими ва ижтимоий ташкилотлар, тадбиркорлик субъектлари вакиллари ўртасида ҳамкорликни ривожлантириш дастурларини тузишда фойдаланиш мумкинлиги билан белгиланади.

Тадқиқот натижаларининг жорий қилиниши. Ногиронлиги бўлган ёшлар ижтимоийлашиши масалалари бўйича тадқиқот натижалари асосида:

ижтимоийлашувнинг беш механизми (тўлиқ, қисман, бир томонлама, қайта ижтимоийлашув, ижтимоийлашув имконияти чекланган) асосида имконияти чекланган шахсларнинг ижтимоийлашув босқичлари (юқори, ўрта, қуйи) ни акс эттирган ижтимоий модел Республика болаларни ижтимоий мослаштируви марказининг фаолиятига татбиқ этилган (2019 йил 23 январдаги 01/34 - сон маълумотнома). Илмий натижаларнинг қўлланилиши ногиронлиги бўлган шахсларни ижтимоийлаштириш жараёни, модели ва босқичлари, ногирон болани тарбиялаётган оилаларни тавсифлаш ва ногиронлиги бўлган ёшларнинг жамиятга ижтимоийлашувини таҳлил қилиш имконини берган;

имконияти чекланган шахсларнинг жамиятга муваффақиятли интеграциялашувини таъминловчи ижтимоий ҳамкорликни ёшларда кўнгиллилар ҳаракатини (волонтёрлик) ривожлантиришга қаратилган ижтимоий лойиҳалар орқали амалга оширишга доир таклиф ва тавсиялардан ўрта-махсус таълим муассасаларида психолог иш режаси ҳамда маънавий-маърифий ишлар режаларини шакллантиришда, ўқувчи-ёшларда имконияти чекланган тенгдошларига нисбатан инклюзив ёндашувни шакллантиришда фойдаланилган (Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта махсус таълим вазирлигининг 2019 йил 22 майдаги 89-03-2141-сон маълумотномаси). Ушбу тавсиялардан фойдаланиб, «Чегарасиз ҳаёт» мавзусида ижтимоий лойиҳалар танлови ташкил этилган, унда иштирок этган ўқувчилар алоҳида эҳтиёжли шахсларнинг муаммолари ва уларнинг ечимларини биргаликда ҳал этиш, нодавлат нотижорат ташкилотлардаги волонтёрлик ҳаракатларида ихтиёрий иштирок этишга интилишлари ошган;

ОТМларга киришда ногирон шахсларга нисбатан камситилишни бартараф этиш учун алоҳида имтиёзларни қўллаш орқали (кириш имтиҳонлари ўтказиладиган бино ва аудиторияларда ногиронлиги бўлган шахслар учун зарур шарт-шароитлар, ногиронлиги бўлган шахслар учун қўшимча давлат гранти квоталари) уларда олий маълумот олиш ва ўз-ўзининг бандлигини таъминлаш имконини оширишига доир таклиф ва тавсияларидан Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 1 декабрда қабул қилинган 5270-сонли «Ногиронлиги бўлган шахсларни давлат томонидан қўллаб-қувватлаш тизимини тубдан такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги қарори лойиҳасини тайёрлашда фойдаланилган (Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта махсус таълим вазирлигининг 2019 йил 22 майдаги 89-03-2141-сон маълумотномаси). Мазкур тавсиялардан фойдаланиб, амалдаги қонунчиликка киритилган ўзгаришлар алоҳида эҳтиёжли ёшларни олий таълим муассасаларига ўқишга кириш имкониятини кенгайтирган.

инклюзив тадбиркорликни татбиқ этиш орқали имконияти чекланган шахсларнинг меҳнат интеграцияси ва қисман бандлигини таъминлашга доир таклиф ва тавсияларидан «Ўзбекистон ногирон ишбилармон аёллар миллий ассоциацияси» ННТ томонидан «Ногирон ишбилармон аёлларнинг кучларини бирлаштириш ва улар ўртасида ҳамкорликни кенгайтириш» мавзусидаги ЎЗР Олий Мажлисининг ННТларни қўллаб-қувватлаш жамғармаси грант лойиҳасини амалга оширишда фойдаланилган («Ўзбекистон ногирон ишбилармон аёллар миллий ассоциацияси» ННТ нинг 2018 йил 17 июлдаги 9-сон маълумотномаси). Грант лойиҳаси доирасида ногиронлиги бор қизлар томонидан яратилган қўл меҳнати маҳсулотларини сотишга мўлжалланган дўконнинг ишга туширилиши орқали уларнинг қисман бандлигини таъминлаш имкониятлари кенгайган.

Тадқиқот натижаларининг апробацияси. Мазкур тадқиқот натижалари 6 та илмий-амалий анжуман ва 3 та халқаро форумда муҳокама қилинган. Диссертация иши Республика болалар ижтимоий мослашуви марказида ўтказилган илмий-амалий семинарда муҳокамадан ўтган. Жумладан, диссертация иши Ўзбекистон Миллий университети «Социология» ва «Ижтимоий иш» кафедраларининг кенгайтирилган йиғилишида муҳокамадан ўтказилиб, ҳимояга тавсия қилинган.

Тадқиқот натижаларининг эълон қилинганлиги. Диссертация мавзуси бўйича жами 10 та илмий, жумладан, Ўзбекистон Республикаси Олий аттестация комиссияси докторлик диссертациялари асосий илмий натижаларини чоп этиш учун тавсия этган илмий нашрларда 6 та мақола, шундан 4 таси республика ва 2 таси хорижий журналларда; илмий-амалий конференция тўпламларида 4 та мақола (шундан 3 таси хорижда) чоп этилган.

Диссертациянинг тузилиши ва ҳажми.

Диссертация кириш, учта боб, хулоса, фойдаланилган адабиётлар рўйхати, изоҳлардан иборат. Диссертацион тадқиқотнинг асосий матни 154 бетни ташкил этади.

ДИССЕРТАЦИЯНИНГ АСОСИЙ МАЗМУНИ

Кириш қисмида диссертация мавзусининг долзарблиги ва зарурати асосланган, тадқиқотнинг мақсади ва вазифалари, объекти ва предмети, тадқиқот методлари келтирилган, ишнинг фан ва технологияларни ривожлантиришнинг устувор йўналишларига мувофиқлиги кўрсатилган, тадқиқотнинг илмий янгилиги ва амалий натижалари баён қилинган, тадқиқот натижаларининг илмий ва амалий аҳамияти, натижаларнинг амалиётга жорий этилиши, олинган натижаларнинг ишончлилиги ва апробацияси, тадқиқот натижаларининг эълон қилинганлиги ҳамда диссертациянинг тузилиши ҳақида маълумотлар келтирилган.

Диссертациянинг **«Имконияти чекланган шахсларнинг ижтимоийлашув ва интеграцияси жараёнларини тадқиқ қилишнинг назарий-методологик жиҳатлари»** деб номланган биринчи бобида «ижтимоийлашиш» ҳамда «таълим ва меҳнат соҳаларига интеграция» тушунчаларини ўрганишга оид асосий концепция ва ёндашувлар кўриб чиқилган. Шунингдек, «ижтимоийлашиш», «интеграция» терминлари шаклланишининг назарий-методологик омиллари ва ватанимиз ҳамда хориж олимларининг асарларида имконияти чекланган шахсларнинг ижтимоий ҳолати ҳамда ҳимоясини ўрганиш масалалари тавсифланган.

Инсонни ижтимоийлаштириш жараёнига оид турли назария ва ёндашувлар таҳлили шуни кўрсатадики, «ижтимоийлашиш» термини чуқур ўрганилган илмий асосга эга бўлса-да, ҳозирги пайтга қадар мазкур тушунча борасида олимлар томонидан бирдай қабул қилинган ягона фикр мавжуд эмас.

Аксарият ҳолатларда саломатликда оғишлар кузатилганида деформацияланган ижтимоийлашиш ажратиб кўрсатилади, аммо бу ҳар доим ҳам муайян мезон ва белгиларга эга бўлавермайди. Шу ўринда С.П.Иваненкованинг «умуман ижтимоийлашмаган инсонлар йўқ, шунчаки уларнинг ижтимоийлашув даражаси ёки тавсифи бошқачадир»¹⁸, деган фикрларига қўшилиш мумкин. Имконияти чекланган ёш йигит ёки қиз ҳамма вақт ҳам касбий жиҳатдан ижтимоийлашмаган бўлиши мумкин, аммо у маълум даражада ижтимоийлашган бўлади. Олимлар томонидан ижтимоийлашувнинг натижавийлиги мезонлари ишлаб чиқилган. Хусусан, М.К.Карпова «шаклланган, шаклланмаган, беқарор касбий ижтимоийлашишни ажратиб кўрсатган»¹⁹. Ушбу мезонлар кўпинча имконияти чекланган шахсларнинг касбий фаолиятини акс эттиради, бироқ бу ҳамма вақт ҳам организмнинг саломатликка оид хусусиятлари билан боғлиқ эмас. Бунга, шунингдек, қонунчилик асосларининг мукамал эмаслиги, мавжуд қолип (стереотип)лар, атроф-муҳитдаги ноқулайликлар ва бошқа шу каби ижтимоий омиллар ҳам таъсир кўрсатади. Шунга кўра, тадқиқотда шахс ижтимоийлашувининг

¹⁸ Иваненкова С.П. Проблемы социализации современной молодежи. Изд.2-е., доп. –Спб., 2003. –С.44.

¹⁹ Карпова М.К. Профессионально-образовательный компонент социализации личности будущего менеджера: Автореф. дис. ...канд.социол.наук. – Пенза, 2006. – С. 8–10.

белгиланган мезонларидан фарқ қилувчи имконияти чекланган шахслар ижтимоийлашувининг мезонлари ишлаб чиқилди.

Тадқиқотда ижтимоийлашувни тур ва даражаларига кўра, таҳлил қилиш мақсадида, М.В.Воронцованинг ёш ногиронларни анъанавий ва институционал ижтимоийлаштириш²⁰ механизмига асосланган ижтимоийлашиш модели ҳам ишлаб чиқилди. Ишлаб чиқилган ҳар иккала илова симбиози тадқиқотчиларга имконияти чекланган шахсларнинг ижтимоийлашиш жараёнини таҳлил қилиш имконини беради.

Шу билан бир қаторда, мазкур бобда ногиронликнинг турли моделлари контекстида «ногиронлик» феноменига ҳам алоҳида эътибор қаратилди. Таҳлиллар имконияти чекланган шахслар борасида жамиятда мавжуд тасавурларнинг ўзгаришига ногиронлик моделларининг кўрсатган таъсирини кузатиш имконини берди. Тадқиқот жараёнида имконияти чекланган ёшлар ижтимоий гуруҳи ажратиб олинди ва уларнинг ёш билан боғлиқ тавсифи келтирилди.

Диссертациянинг «Алоҳида эҳтиёжли ёшларнинг таълим олиши ва меҳнат қилиши – ижтимоийлашиш босқичлари сифатида» деб номланган иккинчи бобида имконияти чекланган ёшларнинг таълимий ижтимоийлашиш ва меҳнатга интеграциялаш жараёни ўрганилган.

Статистик маълумотлар шуни кўрсатдики, 1993 йил ҳолатига кўра, Ўзбекистон Республикасида жами аҳоли сони 22 миллион кишидан иборат бўлса, шундан имконияти чекланган шахслар сони 350 минг нафарни ташкил қилган²¹. Ўзбекистон Республикаси врачлик-ижтимоий экспертизасининг маълумотларига кўра, бугунги кунда республикада 565 376 нафар имконияти чекланган шахслар²² мавжуд, бироқ Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 1 августдаги ПФ-5006-сон Фармойишида 650 284 шахс ногирон сифатида эътироф қилинган²³. ПРООН маълумотларига кўра, 2013 йилда ногиронлиги бўлган шахслар сони 780 минг нафарни ташкил қилган²⁴. Ушбу ҳисобга III гуруҳ ногиронлиги бўлган ёшлар ҳам киритилган, 2011 йилдан бошлаб мазкур тоифадаги шахсларга ижтимоий нафақалар бериш бекор қилинган ҳамда улар рақамлар реестрига киритилмаган. Ваҳоланки, улар тўлиқ соғайиб кетмаган, аксарияти эса расман ишга ҳам жойлаша олмаган. Давлат статистика қўмитасининг маълумотларида 2017 йил 1 октябрь ҳолатига кўра, республикада 670 000 нафар имконияти чекланган шахслар мавжудлиги қайд этилган.

²⁰ Воронцова М.В. Социальная работа в схемах, таблицах и тестах. Учебное пособие. –Таганрог: РГСУ. Изд-ль А.Н.Ступин, 2013. –С. 113.

²¹ Усмонова М.А. Ўзбекистонда кексалар ва ногиронларни ижтимоий ҳимоялашнинг ташкилий-ҳуқуқий муаммолари. Ю.ф.н...дис. –Тошкент,1995.

²² МВССПО: Республиканская врачебно-социальная экспертиза в Республике Узбекистан №УН 30-01-09-6/264 от 3 августа 2017 г.

²³ О мерах по дальнейшему совершенствованию системы государственной поддержки инвалидов №Р-5006 от 1 августа 2017//lex.uz.

²⁴ Аналитическая записка. Проблемы и перспективы обеспечения трудоустройства людей с инвалидностью в Республике Узбекистан//undp.uz.

Статистик маълумотлар турлича эканлиги 2017 йилга қадар Давлат статистика қўмитасида имконияти чекланган шахслар сони динамикаси фақат пенсия жамғармаси маълумотлари асосида ҳисобга олинганлигидан далолат беради. Республикамизда имконияти чекланган шахслар сони умумий рўйхатга олинган аҳолининг тахминан 2,6 %ини ташкил қилса-да, уларнинг динамикаси йилдан-йилга ортиб бормоқда. Аммо ушбу ҳисобга III гуруҳ ногиронлиги бўлган шахслар киритилмаган.

Имконияти чекланган шахслар сони ҳақида тўлиқ маълумотларнинг мавжуд эмаслиги давлат ташкилотларининг бу борада комплекс иш олиб бормаганлиги, давлат амалдорлари эса мазкур категориядаги шахсларга етарли даражада эътибор қаратмагангидан далолат беради.

Ўзбекистон Республикаси Президенти Ш.М.Мирзиёевнинг 2017 йил 1 декабрдаги Фармонинг 9-бандида ногиронлиги бор шахсларнинг рўйхатини тузиш кўзда тутилган бўлиб, шу асосда Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг «Ногиронлиги мавжуд шахсларни статистик қайд этиш тизимини такомиллаштириш тўғрисида»ги Қарорида таълим, меҳнат, транспорт, ижтимоий ва бошқа турдаги кўмаклар ҳолатига доир кўрсаткичлар рўйхати ишлаб чиқилган²⁵. Аҳоли сони ошиб бориши билан ногиронлиги бор шахслар сони ҳам кўпайиб боради (1-жадвал).

1-жадвал

**Ўзбекистон Республикаси аҳолиси ва ногирон бор шахслар сони
(йиллар бўйича)**

Йил	Жами аҳоли, киши	Улар орасида ногиронлиги бор шахслар, киши	Аҳолининг умумий сонига нисбатан ногиронлиги бор шахслар (фоизларда)
1993	22 000 000	350 000	1,6
1995	22 563 000	450 000	1,9
2005	26 021 300	500 000	1,92
2014	30 492 812	550 000	1,8
2017	31 032 000	650 000	2,1
2018	32 656 700	670 000	2,6

Ҳозирги пайтгача ногиронлар ҳуқуқлари бўйича конвенцияни Ўрта Осиё республикалари орасида фақатгина 2008 йилда Қозоғистон Республикаси ратификация қилган. Ўзбекистонда I ва II гуруҳ ногиронларигагина нафақа тўланади барча Ўрта Осиё республикаларида I, II ва III гуруҳлар ногиронларга нафақа тўланади. Шунингдек, 18 ёшгача бўлган ногирон ёшлар “инвалид-бола” сифатида тан олинади. Фақат Туркменистон Республикасида “инвалид-болалар”нинг ёши 16 ёшгача этиб белгиланган²⁶. 2018 йилдан бошлаб Ўзбекистонда ногиронлиги бўлган шахсларнинг олий таълим олиши учун 2 %ли имтиёз киритилган, бу эса бошқа республикаларга нисбатан юқори

²⁵ Постановление Кабинета Министров Республики Узбекистан «О совершенствовании системы статистического учета лиц с инвалидностью» от 22 марта 2018 г. №210//Национальная база данных законодательства. 26 марта 2018 г. № 09/18/210/0935.

²⁶ Кодекс Туркменистана о социальной защите населения, принятый 19 октября 2012 г. и вступивший в силу с 1 января 2013 г.

кўрсаткидир (2-жадвал). Қирғизистон Республикасида иш ўринлари квотаси бўйича энг баланд натижа қайд этилган бўлиб, 5%дан иборат.

2-жадвал

Ўрта Осиё республикаларида ногиронлиги бор шахсларнинг ижтимоий химояси²⁷

Республика	Ногиронлиги бор инсонлар сони, киши	2017 йилдаги жами аҳоли, киши	Аҳолининг умумий сонига нисбатан ногиронлиги бор шахслар (фоизларда)	Олий таълим квоталари	Иш ўринлари квотаси (фоизларда)	Гуруҳлар бўйича махсус нафақалар
Ўзбекистон	650 000	31 032 000	2,1	2017 йилгача – 1%; 2018 йилдан – 2 %	3	I–II
Қозоғистон	460 000	18 324 237	2,5	2011 йилгача – 0,5%; 2014 йилдан – 1%	2–4	I–III
Қирғизистон	176 000	6 191 377	0,9 %	0,5%-1%	5	I–III
Тожикистон	168 553	8 965 827	1,9 %	Маълумот йўқ	1	I–III
Туркменистон	Маълумот йўқ	5 546 900	-	Маълумот йўқ	Маълумот йўқ	I–III

2009 йил 27 февралда Ўзбекистон Республикаси Ногиронлар ҳуқуқлари бўйича Конвенцияга қўшилди. Бироқ, Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 1 декабрдаги №УП-5270 - сонли Фармонида «БМТнинг Ногиронлар ҳуқуқлари бўйича Конвенциясини ратификация қилишга тайёргарликка доир амалий чораларни кўриш ҳамда мавжуд имкониятларни, чет эл тажрибасини эътиборга олиб, мазкур Конвенцияни ратификация қилишнинг шартлари ва оқибатларини таҳлил қилишга оид тегишли таклифлар киритиш» белгиланди.

Бугунги кунда республикада имконияти чекланган болалар сони ошиб бормоқда. Жумладан, 4 йил ичида турли психофизиологик нуқсонли бор болалар сони 13 708 нафарга кўпайди (3-жадвал).

3-жадвал

Ўзбекистон Республикасидаги ногиронлиги бор болалар сони

№	Вилоятлар	16 ёшгача бўлган ногиронлиги бор болалар, ёш		
		01.01.2014 й.	01.01.2016 й.	01.01.2018 й.
1	Қорақалпоғистон Республикаси	5245	5526	6265
2	Андижон	7596	8601	9806
3	Бухоро	3202	3422	3679
4	Жиззах	3880	3951	4520
5	Қашқадарё	7560	7696	9175
6	Навоий	3363	3290	3190
7	Наманган	6546	6646	7412
8	Самарқанд	7853	8485	9666
9	Сирдарё	2501	2717	3293
10	Сурхондарё	6926	7240	8398
11	Фарғона	7622	8118	9324
12	Хоразм	5625	5324	5728

²⁷ Жадвал муаллиф томонидан тузилган.

13	Тошкент	6546	6558	7346
14	Тошкент шаҳри.	3891	3956	4262
	Жами	78356	81530	92064

Ногиронлиги мавжуд болаларнинг энг кўп қисми Андижон, Қашқадарё, Самарқанд ва Фарғона вилоятларида қайд этилган. Бу ҳақда В.С.Алимова: «Болалар ногиронлиги тизимида энг кенг тарқалгани болалар церебрал параличи (ДЦП) бўлиб, мазкур категориядаги болаларнинг эрта ногиронлигига олиб келади»²⁸, – деб таъкидлаган.

Имконияти чекланган ёшларнинг таълимий ижтимоийлашувини ўрганиш шуни кўрсатдики, мамлакатимизда у, асосан, имконияти чекланган шахслар учун ихтисослаштирилган касб-хунар коллежларида амалга оширилади. Академик лицей ва коллежларда таълим олаётган ногиронлиги бўлган ёшларнинг улуши таҳлил қилинганда, уларнинг сони ихтисослаштирилган коллежларда таълим олаётганларникига нисбатан анча кам экани маълум бўлди (4-жадвал).

4-жадвал

Ўрта махсус, касб-хунар таълим муассасаларида таълим олаётганлар сони

Ўқув йиллари кесимида	Лицей ва коллежлар сони		Ўқувчилар сони		Шулардан лицей ўқувчилари
	жами	Жумладан, имконияти чекланган шахслар учун ихтисослаштирилган коллежлар	жами	жумладан, ногиронлиги бўлган ўқувчилар	
2016-2017	1 566	4	1 459 403	2 887	110
2017-2018	1 556	4	1 163 162	2 416	65

Ҳозирги кунда Ўзбекистон Республикасининг 12 та вилояти ва Қорақалпоғистон Республикасида имконияти чекланган ёшлар учун ихтисослаштирилган жами 4 та коллеж мавжуд. Тадқиқот жараёнида имконияти чекланган шахслар учун ихтисослаштирилган коллежлар фаолиятини ўрганиш мақсадида Тошкент шаҳридаги иккита ва Самарқанд шаҳрида жойлашган битта коллеж тадқиқот объекти сифатида танлаб олинди.

Ихтисослаштирилган коллежларда таълим олий ўқув юртига киришга тайёрлашга эмас, балки фақат касб-хунар эгаллашга йўналтирилган, шу сабабли олий таълим муассасаларига ўқишга кирганлар фоизи мавжуд эмас (5-жадвал).

²⁸Алимова В.С. Целенаправленная реабилитация детей с церебральным параличом в условиях Республиканского центра социальной адаптации детей//Журнал «Наука и образование сегодня». –2018. –№3, апрель.

2017-2018 ўқув йилларида ихтисослаштирилган касб-хунар коллежларида таълим олган имконияти чекланган ёшларнинг сони

Ихтисослаштирилган коллеж	Талабалар сони, киши	Қизлар	Ўқув устахоналари	Жами мутахассисликлар	Ишга жойлашганлар, %	Олий таълим юрғларига кирган жами битирувчилар
Тошкент имконияти чекланган шахслар учун ихтисослаштирилган касб-хунар коллежи	387	102	6	7	100	0
Республика имконияти чекланган шахслар учун ихтисослаштирилган касб-хунар коллежи (Тошкент ш.)	525	249	8	7	100	0
Самарқанд имконияти чекланган шахслар учун ихтисослаштирилган касб-хунар коллежи	246	82	60	5	100	0

Шунингдек, юқорида келтирилган коллеж талабалари контингентининг кўрсатишича, ўқувчиларнинг 70 фоизини республиканинг турли вилоятларидан келганлар ташкил этади. Коллежлар ҳисоботида қайд этилишича, барча битирувчилар иш ўрни билан таъминланган. Чунки улар ўз яшаш жойларига жўнатилганда, 3% фоизли квота асосида ишга жойлашган бўлишлари лозим.

Ўзбекистон Республикаси олий таълим муассасаларида таълим олаётган 297 689 минг нафар талабанинг 611 нафари ногиронлиги бўлган ёшлардир²⁹. (6-жадвал).

6-жадвал

Ўзбекистон Республикаси олий таълим муассасаларида таълим олаётганлар сони

Ўқув йиллари	ОТМ сони	Жами талабалар	Ногиронлиги бўлган талабалар
2016-2017	70	268 281	614
2017-2018	72	297 689	611

Афсуски, ногиронлиги бўлган шахслар учун мутахассисликлар рўйхати ёки олий таълим муассасаларига қабул қилиш тартиби ишлаб чиқилмаган. Бироқ Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2017 йил 20 июндаги 118-сонли қарори билан тасдиқланган “Кўзи ожиз абитуриентларни олий таълим муассасаларига қабул қилиш тартиби тўғрисида”ги Низомда

²⁹ Сведения Государственного комитета Республики Узбекистан по статистике по состоянию на 2017/2018 учебный год. 2018. 13 марта. №01/4-15-18/2-49.

фақат кўзи ожиз абитуриентлар учун олий таълим муассасаларига қабул бўйича махсус комиссия ташкил қилиниши белгилаб қўйилган³⁰.


Бизнингча, кишилар онгида имконияти чекланган шахсларга нисбатан мавжуд эскича қарашлар уларнинг жамиятдан тўлақонли ўрин олиши ва ишга жойлашишига тўсқинлик қилади. Жиззах, Қўқон, Бухоро, Навоий давлат педагогика институтларининг 2510 нафар талабалари орасида БФ-1-001 “Ўзбекистон Республикасида сифатли узлуксиз инклюзив таълим тизimini ташкил этиш” фундаментал лойиҳаси доирасида ўтказилган, республикадаги педагогика институтлари талабаларининг инклюзив таълим ҳақидаги билимларини ўрганишга йўналтирилган сўровномада тадқиқот муаллифи ҳам иштирок этди. Сўровнома натижасида жамиятимизда имконияти чекланган шахсларга нисбатан муносабатда ўзи англамаган ҳолда уларни камситишга йўл қўйиш ҳолатлари аниқланди.

Бундай камситиш “ногиронлик” феномени ҳақидаги билимларнинг етарли эмаслиги билан боғлиқдир. 80% бўлажак педагоглар инклюзив таълимни болаларни ихтисослаштирилган муассасалар, махсус мактаблар ёки уйда ўқитиш деб тушунадилар. 40,9% респондент эса алоҳида эҳтиёжли болаларнинг инклюзив таълимига тўсиқ сифатида ота-оналарнинг бу борада билимга эга эмаслигини таъкидлайдилар. 22% респондент бунга жамиятдаги стереотиплар сабаб эканлигини қайд этадилар. Сўралганларнинг 17,8% инклюзив таълимга тўсиқ сифатида педагоглар малакасининг етишмаслиги ва мослашмаганлигини айтиб ўтсалар, 20,2% респондентлар бунга молиявий асос ва қонунларнинг йўқлиги сабаб бўлишини кўрсатадилар (1-расм).

Тадқиқотда имконияти чекланган ёшларнинг иш билан бандлигини таъминлаш масаласида давлат томонидан олиб борилаётган ижтимоий сиёсат таҳлили келтирилган. Хусусан, мамлакатимизда имконияти чекланган шахсларни ишга қабул қилиш тартиби ишлаб чиқилган бўлиб, унинг моҳияти индивидуал реабилитация дастурларини тақдим қилиш ва ВТЭК мутахассислари томонидан мавжуд ташхис билан меҳнат қилиш мумкинлиги тўғрисидаги хулосалар берилишидан иборат.

Давлатимиз томонидан ногиронлиги бўлган шахслар ҳуқуқлари соҳасида олиб борилаётган сиёсатни баҳолаб, ногиронлик тўғрисида махсус қонунчиликнинг ишлаб чиқилганлиги; ногиронлик муаммоларини ҳал қилишга қаратилган қатор давлат дастурларининг қабул қилинганлиги ва амалга оширилаётганлиги; ногиронлиги бўлган шахсларни ижтимоий ҳимоялаш тизими мавжудлиги; кўплаб ногиронлар ижтимоий ташкилотларининг фаолият юритиши учун шароитлар яратилганлигини ижобий ҳолат сифатида кўрсатиш жоиз.

³⁰ Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг Қарори. «Олий таълим муассасаларига ўқишга қабул қилиш, талабалар ўқишини кўчириш, қайта тиклаш ва ўқишдан четлаштириш тартиби тўғрисидаги низомларни тасдиқлаш ҳақида». Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2017 й., 25-сон, 545-модда; 37-сон, 996-модда; Қонун ҳужжатлари маълумотлари миллий базаси, 15.11.2017 й., 09/17/914/0255-сон, 12.01.2018 й., 09/18/18/0550-сон.



1-расм. Имконияти чекланган ёшларга инклюзив таълим беришга бўлган тўсиқларни аниқлаш бўйича ўтказилган сўров натижалари

Шуни ҳам таъкидлаб ўтиш жоизки, ногиронларнинг меҳнат фаолияти ВТЭК мутахассислари томонидан тиббий нуқтаи назардан баҳоланади, лекин улар шахснинг ижтимоий ва касбий имкониятларини баҳолай олмайдилар. Имконияти чекланган шахснинг ишга жойлашиши мумкинлиги тўғрисида ижобий хулоса берилганида унга ногиронлиги бўйича бериладиган ижтимоий нафақа бекор қилиниши мумкин. Амалдаги қонунчиликка мувофик, ВТЭК ишига меҳнат фаолиятига лаёқатлилигининг чекланганлигини аниқлаш учун ижтимоий ва касбий реабилитация соҳаси мутахассисларини жалб қилиш мумкин, бироқ зарур мутахассисларнинг йўқлиги сабабли бу имкониятдан фойдаланилмайди. Ташкилотларга ВТЭК билан индивидуал реабилитация дастурини мувофиқлаштириш, махсус иш ўринларини яратишдан кўра, ногиронлиги бор шахсларни корхонада мавжуд иш ўринларига қабул қилмаганликлари учун жарима тўлаш осонроқдир.

Имконияти чекланган кўплаб инсонлар уларни ногиронлик гуруҳидан чиқариб юборишлари мумкинлиги ва муваффақиятли ишга жойлашишга ишончи йўқлиги ВТЭКга иш сўраб ариза билан мурожаат қилмайдилар.

Нодавлат нотижорат ташкилотлари имконияти чекланган ёшларнинг ижтимоийлашиши, жумладан, уларнинг маиший хизмат кўрсатишни ўзлаштириши, турли йўналишларда қўл меҳнати кўникмаларини эгаллаши ва умуман, мулоқот қилиш ҳамда ривожланишида катта роль ўйнамоқда. Бироқ имконияти чекланган шахслар учун ННТда ёшлар фақат ўзаро мулоқот ва ҳамкорлик қиладилар, яъни жамият билан алоқалар муайян ташкилот доирасида амалга оширилади. Шу боис, республикада волонтерлик фаолиятини кучайтириш, бу жараёнга академик лицей ва олий таълим муассасаларида таълим олаётган ёшларни кенг жалб қилиш, оммавий ахборот воситаларида мавжуд ижтимоий муаммоларни муҳокама қилиш мақсадга

мувофиқдир. Бу борада давлат таълим муассасаларининг нодавлат нотижорат ташкилотлари билан ижтимоий шерикчилиги йўлга қўйилмаганлигини ҳам алоҳида таъкидлаш лозим.

Диссертациянинг «Замонавий жамиятда имконияти чекланган ёшларни ижтимоийлаштириш ва меҳнатга интеграциялаш турлари» деб номланган учинчи бобида социологик тадқиқот натижалари баён қилинган.

Имконияти чекланган ёшларнинг ижтимоийлашиш хусусиятларини ёритиш, ногиронлиги бўлган ёшларнинг меҳнатга интеграцияси йўлидаги тўсиқларни ўрганиш мақсадида тадқиқот доирасида чуқурлаштирилган интервьюлар ташкил қилинди. Тадқиқотнинг автобиографик методи воситасида ҳар хил ташхис қўйилган ва ногиронликнинг турли гуруҳларига мансуб 10 нафар респондентнинг биографияси тузилди. Автобиографик интервьюда 22 ёшдан 33 ёшгача бўлган, ногиронлиги мавжуд 7 нафар қиз ва 3 нафар йигит иштирок этди. Улардан 5 нафарини орттирилган ногиронлиги мавжуд (шундан иккинчи нафари “полиомиелит” ташхиси билан, 3 нафари эса 14 ёшдан сўнг ногирон бўлганлар) ёшлар ташкил этади.

Ишлаб чиқилган мезонларни амалда қўллаш мақсадида 40 нафар имконияти чекланган ёш йигит-қиз билан чуқурлаштирилган интервьюлар ўтказилди. Респондентларнинг аксарият қисмини 18 дан 30 ёшгача бўлган, болалар церебрал параличи ва ментал нуқсонлари мавжуд ёшлар ташкил этди. Шу билан бир қаторда улар орасида икки хил психофизиологик нуқсони бўлган ёшлар ҳам бор эди. Респондентлар сифатида «Умидворлик», «Милениум», «Меҳрибонлик», «Опа-сингиллар», «Ўзбекистон ногирон ишбилармон хотин-қизлар миллий ассоциацияси» ва бошқа ННТ вакиллари танланди.

Яратилган норматив-ҳуқуқий асоснинг имконияти чекланган шахсларнинг интеграцияси жараёнларига таъсирини аниқлаш мақсадида турли вақтлар оралиғида 20 нафар эксперт интервьюлар ўтказилди.

Тадқиқотда имконияти чекланган ёшлар ижтимоийлашишининг муваффақиятли кечишига нималар ижобий таъсир кўрсатиши, ногиронларнинг таълим олиш ва меҳнатга оид ҳуқуқларини амалга оширишда қандай тўсиқларга дуч келаётганлиги, уларнинг ижтимоийлашувида оила аъзоларининг роли, ногиронлиги бўлган ёшларнинг ўзини ўзи англаши ва ривожланишида нималар кўмаклашаётганлиги, қандай омиллар уларнинг ажралиб қолиши ва яққаланишига сабаб бўлаётганлиги каби масалаларга жавоб топишга ҳаракат қилинди. Бунда респондентларнинг ўзлари қайси қийинчиликларни ажратиб кўрсатишига эътибор қаратилиб, ёшларнинг нималарни хоҳлаши ва уларга ўзини намоён қилишда нималар халақит беришини тушунишга ўзига хос “ичкаридан назар” ташланди.

Ногиронликнинг расман қабул қилинган уч гуруҳи орасида иккинчи гуруҳ ногиронлиги бўлган респондентлар сони (57,5%) устунлик қилади (7-жадвалга қarang).

Респондентларнинг ногиронлик турлари бўйича тақсимланиши фоизлари

ДЦП	Ногиронликнинг икки шакли (ДЦП ва олигофрения, Ф-70)	Ментал нуқсонлар Ф-70	Кўзи ожизлар	Даун синдроми	Ногиронликнинг бошқа турлари	Ногиронлик гуруҳлари кесимида		
						I	II	III
50%	10 %	12,5 %	5%	2,5%	20%	20%	57,5	22,5

Респондентлар таълими, асосан, ихтисослаштирилган таълим муассасалари ёки уйда олиб борилган. Респондентларнинг кўпчилиги, яъни 25 фоизи қисқа муддат давомида мактабгача таълим муассасасига қатнаганлар, 25 фоизи эса асосан мустақил ҳаракатланиш билан боғлиқ муаммолари мавжудлиги сабабли уйда таълим олганлар. Уларнинг 18 фоизи махсус мактаб-интернатларда таҳсил олганлар ва фақат 30 фоизигина умумий таълим мактабларини тугатганлар (8-жадвал). Айрим имконияти чекланган ёшлар махсус мактаб-интернатни тугатгач, умумий мактабда ўқишга ҳаракат қилганлар. Бироқ, респондентларнинг кўпчилиги ота-оналари уларни ўрта мактабларда хафа қилишларини истамаганликларини қайд этганлар. Ментал ногиронлиги бўлган респондентларнинг таъкидлашича, бошланғич синфларни тамомлагандан кейин уларнинг устидан кулиш, мазах қилишлар бошланган. Бунинг устига, умумий мактаблар кўзи ожизларнинг ҳаракатланиши ва таълим олиши учун мослаштирилмаган.

Респондентлардан фақат бир нафари (Д.П гуруҳи, полиомелит ташҳисли) уйда таълим олганидан кейин олий таълим муассасасига ўқишга кирган ва кейинчалик ННТда меҳнат қила бошлаган. У *“ўқитувчилар уйига ҳафтада 2-3 марта келганлиги, бироқ олинган билимлар етарли бўлмагани сабабли репетиторларга қатнаганлигини”* таъкидлаб ўтди.

40 кишидан 25 нафари ногиронлик нафақаси ҳисобига яшайди (2019 йил апрель ойи маълумотларига кўра, бу 404 минг сўмни ташкил этади). 8 киши ногиронлик пенсиясини олмайди, шунингдек, иш билан ҳам таъминланмаган. Улар орасида 5 киши 2011 йилда ногиронлик нафақасидан маҳрум этилган, шундан 3 таси ментал нуқсонларга эга бўлиб, уларда ногиронлик гуруҳи аниқланмаган.

Имконияти чекланган фарзандлари бўлган оилаларни тадқиқ этиш натижасида ёшларнинг ўзини ўзи реализация қилишида оиладаги тарбия ва ота-оналарнинг ўз фарзанди имкониятларини тўғри идрок қила олиши катта роль ўйнаши аниқланди. Фарзандига ҳаддан ташқари кўп ғамхўрлик қиладиган ота-оналар, хусусан, оналар охир-оқибатда уларнинг жамиятда мустақил ҳаёт кечирришга мослашмаган инсон сифатида шаклланишига сабабчи бўладилар.

Ёшлар билан ўтказилган интервьюларнинг кўрсатишича, олий маълумот олишга мотивация ва ишга жойлашиш имкониятининг йўқлиги 30 ёшларга келиб уларда нималаргадир эришиш ва ривожланиш истаги йўқолишига сабаб бўлади. Бу қуйидаги зиддиятли ҳолат билан изоҳланади: имконияти чекланган

шахс ишга жойлашар экан, унинг нафақаси бекор қилинади, бироқ у ўзига қўйилган ташхисдан қутула олмайди. Бундан келиб чиқадики, ногиронлик бўйича нафақанинг берилиши эмас, балки яшаш учун маблағсиз қолиш ва ижтимоий ҳимоядан маҳрум бўлишдан қўрқиш боқимандаликни келтириб чиқаради.

Имконияти чекланган кишиларнинг меҳнат фаолиятини олиб бориши катта аҳамиятга эга. Зеро, бу инсоннинг шахс сифатида шаклланиши, даромадларининг ошиши, тўлақонли ҳаёт кечирish хиссининг пайдо бўлиши, мустақил бўлиш учун имкониятларнинг кенгайиши ва соғлом инсонлар билан мулоқотдаги руҳий тўсиқларнинг бартараф этилишига ёрдам беради.

Таъкидлаб ўтиш жоизки, барча респондентларнинг 16 нафари (40%) ишлайдилар, уларнинг 8 нафари (20%) расман ишга жойлашган бўлиб, асосан имконияти чекланган шахсларга мўлжалланган нодавлат нотижорат ташкилотларида меҳнат қилади. Жами ишга жалб қилинган ёшларнинг 12,5 фоизи хусусий тартибда ишлаб, маблағ топадилар. Масалан, оилавий дўконни юритишда ёрдамлашадилар ёки компьютер техникасини таъмирлайдилар. Уларнинг фақат 5 фоизгина давлат муассасаларида меҳнат қиладилар. Ишга жойлашганларнинг аксарияти – (22,5 %) ННТларда ишлайдилар. Жами ишловчиларнинг 32,5 фоизи II гуруҳ ва фақат 7,5 фоизгина III гуруҳ ногиронлари ҳисобланади.

Тадқиқот жараёнида чуқурлаштирилган интервьюлар олиш натижасида қуйидаги маълумотлар аниқланди: жами респондентларнинг 25 фоизи тўлиқ ижтимоийлашган бўлса, 42,5 фоизи бирор соҳада қисман ижтимоийлашган ҳамда доимий даромадга эга эмас, 22,5 фоизи бир ёқлама ижтимоийлашган. Уларнинг 5 фоизи орттирилган ногиронлик туфайли ресоциализация жараёнини ўтган, аммо 5 фоизи ошқора ментал нуқсонлари сабабли ресоциализацияланган. Фақат битта респондент жамиятдан яққаланган ҳолда сақланганлиги боис юқори даражада десоциализациялашган бўлиб, жамоатчилик орасида номутаносиб хулқ-атворини намоён қилади (8-жадвал).

8-жадвал

Имконияти чекланган ёшларнинг ижтимоийлашиш турлари

Ижтимоий лашиш даражалари	Тўлиқ ижтимоий лашиш	Қисман ижтимоийла шиш	Бир ёқлама ижтимоийла шиш	Ресоциали зация, кейинчалик олинган ногиронлик	Десоциализа ция
Юқори	2 (5%)	7 (17,5%)	5 (12,5%)	-	1 (2,5%)
Ўрта	6 (15%)	6 (15%)	3 (7,5%)	2 (5%)	-
Паст	2 (5%)	4 (10%)	1 (2,5%)	-	1 (2,5%)
	25%	42,5 %	22,5 %	5%	5%

Тадқиқот натижалари шуни кўрсатадики, ногиронлиги бор ёшлар турли (жисмоний, ақлий, сенсор ва руҳий) нуқсонлари туфайли чекланган имкониятларга эга бўлган ўзига хос ижтимоий-демографик гуруҳни ташкил этиб, атроф-муҳит ва жамият билан ўзаро муносабатда бўлишга ижтимоий жиҳатдан мослашмаган. «Ижтимоий мослашмаганлик» деганда, нафақат ногиронлиги бўлган шахсларнинг ҳуқуқларини чеклаш (сегрегация)га олиб

келадиган жисмоний тўсиқлар, балки жамиятнинг ўзи англамаган ҳолда эскича қолиплар ва қарашлар асосида ногиронлиги бўлган шахслар билан алоқага киришишга тайёр эмаслиги ҳам тушунилади.

ХУЛОСА

Имконияти чекланган ёшларнинг муваффақиятли ижтимоийлашувига оид олиб борилган назарий-амалий таҳлиллар ушбу фаолият йўналишларини амалга ошириш зарурияти мақсадга мувофиқ эканлигини кўрсатди ва қуйидаги илмий хулосаларга келишга сабаб бўлди:

1. Имконияти чекланган шахсларнинг муваффақиятли ижтимоийлашувида бирламчи ижтимоийлаштириш агентлари – оилалар катта роль ўйнайди, чунки ота-оналар ногирон фарзанди ўзини тўлақонли шахс сифатида идрок этишини таъминлайдилар.

2. Инклюзив ва умумий мактаб ҳамда лицейларни тамомлаган имконияти чекланган ёш ногиронлар махсус билим юртлари битирувчиларига нисбатан жамиятда кўпроқ ижтимоийлашган бўладилар.

3. Ишлаб чиқилган ижтимоийлаштириш мезонлари имконияти чекланган ёшларни ижтимоийлаштириш жараёнини таҳлил этиш ва унинг муваффақиятлилигини аниқлаш имконини берди.

4. Алоҳида эҳтиёжли ёшлар билан ўтказилган интервьюлар улар фақат ментал нуқсонлари бўлган шахсларнигина ногирон деб билишларини кўрсатди, бироқ қонунчиликда бундай ёшлар ҳамма вақт ҳам ногиронларга тенглаштирилмайди.

5. Тадқиқот натижаларининг кўрсатишича, кўплаб имконияти чекланган ёшлар ногиронлик нафақасидан маҳрум бўлишидан кўрқиб, ВТЭК ва бандликка кўмаклашувчи марказларга мурожаат қилмайдилар.

6. Ўтказилган тадқиқот натижалари жамиятда ногиронлиги бўлган ёшларга нисбатан уларнинг таълим ва меҳнат соҳасида, айниқса оилавий масалаларда ўзини ўзи реализация қилиши мумкин эмаслиги ҳақидаги стереотиплар мавжудлигини тасдиқлади.

7. Имконияти чекланган шахсларнинг меҳнат соҳасидаги ҳолатини такомиллаштиришга оид таклифлар ногиронлиги бўлган ёшларнинг тадбиркорлик фаолияти воситасида даромадлари ортишига хизмат қилди.

8. Жамиятда имконияти чекланган шахсларга нисбатан мавжуд салбий қарашларни бартараф қилиш бўйича таклифлар соғлом ёшларни ногиронлиги бор шахслар учун ННТга волонтер сифатида жалб қилиш имконини берди.

9. Ҳозирги вақтда тиббий ва ижтимоий муассасаларда ҳам, фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари тизимида ҳам ўз мажбуриятларини профессионал даражада бажарадиган, олий маълумотли ижтимоий ходимлар штатлари мавжуд эмас. Фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органларига ижтимоий хизматчиларнинг касбий малакаларини ошириш мақсадида “Ижтимоий иш. Ижтимоий хизматчи” курси дастури бўйича малака оширишга оид таклифлар киритилди.

10. Имконияти чекланган ёшларнинг жамият билан интеграциясини мустаҳкамлаш мақсадида махсус аравачаларда ҳаракатланадиган I гуруҳ ногиронлари ва уларга қаровчиларнинг шаҳар йўловчи ташиш транспортидан бепул фойдаланишини таъминлаш тавсия этилади.

11. Махсус аравачаларда ҳаракатланадиган I гуруҳ ногиронларининг ижтимоий нафақасини ошириш масаласини кўриб чиқиш лозим.

12. Халқаро тажрибани ўрганиб чиқиб, кўплаб иш берувчиларнинг имконияти чекланган шахсларнинг иш қобилиятига нисбатан ўзига хос қарашлари мавжудлигини ҳисобга олган ҳолда, қуйидаги ҳолатларни жорий этиш зарур: 20 дан ортиқ ходимлар ишлайдиган ҳар бир ташкилотга ишга олишни синов асосида ташкил этиш (ногиронлиги бор шахсни корхонада ўз касб-ҳунари бўйича ўқитиш), бунда бир ой муҳлат берилиб, раҳбар ихтиёрига кўра ҳақ тўланади. Ушбу ҳолатни қонунчилик асосида мустаҳкамлаш керак.

13. “Имконияти чекланган шахсларни ижтимоий ҳимоя қилиш тўғрисида”ги Қонуннинг 15-моддасида масофавий таълим олиш мумкинлиги қайд этилган. Аммо, имконияти чекланган шахслар билан бу соҳада амалга оширилиши лозим бўлган ишлар етарлича ривожланмаган. Ахборот технологиялари билан таъминланган мактаблар воситасида масофавий таълим олишни (Интернет) йўлга қўйиш зарур.

14. Ногиронлиги бор шахсларни тadbиркорлик фаолиятига жалб қилиш мақсадида республиканинг ҳар бир вилоятида имконияти чекланган ёшлар қўли билан тайёрланган маҳсулотларни қабул қилиш ва сотишга мўлжалланган дўконларни ишга тушириш керак.

15. Имконияти чекланган ёшларнинг бўш вақтини ташкил этиш ва қизларнинг жамият билан интеграциясини таъминлаш мақсадида ҳар бир маҳаллада бисер тикиш, тўқиш ва шу каби қўл меҳнати тўғарақларини ташкил этиш мақсадга мувофиқ.

16. Ўқув муассасаларининг маънавий-маърифий ишлари режасига психологлар иштирокида ўтиладиган “Инклюзив таълим”, “Индиго болалар”, “Аутизм” ва бошқа мавзуларни киритиб, инсоннинг кадр-қиммати унинг ташқи кўриниши ёки ҳолатига қараб баҳоланмаслигини тушунтириш лозим. Ўқувчиларнинг ногиронлиги мавжуд инсонларга бўлган муносабатини баҳолаш мақсадида умумий таълим ва ўрта махсус ўқув муассасаларининг психологлари томонидан сўровномалар ташкил қилиниши зарур. Республика таълим муассасаларида “Чегарасиз ҳаёт” мавзусидаги ижтимоий лойиҳаларни амалга оширишни ташкил этиш керак. Уларда ўқувчилар имконияти чекланган ёшлар билан уюштирилган интервьюлари асосида тайёрланган маърузалари орқали ногирон инсонларнинг муаммоларини ёритишлари ва бунинг ечимларини кўриб чиқишлари мақсадга мувофиқдир.

17. Ногиронлиги мавжуд шахсларни меҳнатга жалб этиш тажрибаси шуни кўрсатадики, реабилитология соҳаси бўйича мутахассисларни тайёрлаш борасида давлат маблағларини ажратиш лозим. Бу эса имконияти чекланган шахсларни нафақат тиббиёт нуқтаи назаридан, балки ҳар бир инсонда мавжуд ички потенциал ресурслар асосида баҳолаш имконини беради.

**SCIENTIFIC COUNCIL ON ANWARD OF SCIENTIFIC DEGREES
DSC 29.12.2018. S. 23.02 AT THE ACADEMY OF PUBLIC
ADMINISTRATION UNDER THE PRESIDENT
OF THE REPUBLIC OF UZBEKISTAN**

NATIONAL UNIVERSITY OF UZBEKISTAN

UZAKOVA ZARINA FURKATOVNA

Features of socialization and labor integration youth with disabilities

22.00.02. – Social institutions, social structure and mood of life

**ABSTRACT OF DISSERTATION OF DOCTOR OF PHILOSOPHY (PhD)
ON SOCIOLOGICAL SCIENCES**

Tashkent – 2019

The theme of dissertation of doctor of philosophy (PhD) on sociological sciences was registered in the Higher Certifying Commission at the Cabinet of the Ministries of the Republic of Uzbekistan for B2017.10.PhD/Sots10

The dissertation has been prepared at National university of Uzbekistan.

The abstract of dissertation is placed on the webpage www.nuuz.uz and informational – educational portal Ziyonet (www.ziyonet.uz) in two languages (Uzbek and Russian).

Scientific consultant:	Begmatov Abdulla Serajiddinovich doctor of philosophical sciences, professor
Official opponents:	Matibaev Taspolat Baltabaevich doctor of sociological sciences Normurodov Anvar Shomurodovich doctor of sociological sciences
Leading organization:	The Uzbekistan state institute of arts and culture

The defense of the dissertation will take place on «___» _____ 2019 at ___ at the meeting of the Scientific Council No. DSc.29.12.2018.S.23.02 at the Academy of public administration under the President of the Republic of Uzbekistan (Address: 100066, Tashkent city, Islm Karimov street, 45. Phone 0(371) 232-60-47; fax: 0(371) 239-17-83, e-mail: info@dba.uz at the Academy of public administration under the President of the Republic of Uzbekistan, Administrativa building, ___ floor, ___- room).

The dissertation abstract was sent out on on «___» _____ 2019.

(mailing report No _____ on «___» _____ 2019).

M.B.Bekmurodov

Chairman of the scientific council for awarding scientific degrees, Doctor of sociology, professor

A.B.Yunusov

Scientific secretary of the scientific council for awarding scientific degrees, candidate of sociology sciences

Sh.M.Sodiqova

Chairman of the scientific Seminar under the scientific council for awarding scientific degrees, Doctor of sociology,

INTRODUCTION (ANNOTATION OF THE PhD dissertation)

The aim of the research work is to develop proposals and recommendations for improving the process of socialization of young people with disabilities and their further integration into society.

The object of the research work is the process of socialization of young people with disabilities.

The scientific novelty of the study is as follows:

a hierarchical model for the gradual socialization of people with disabilities at the upper, middle and low levels based on five socialization mechanisms (full, partial, one-sided, re-socialization, limited socialization);

voluntary movement of social partnerships between disabled and healthy people is based on the fact that they can be integrated into the society;

it is based on the fact that it provides intellectual development and self-employment opportunities for people with disabilities through the use of special privileges to eliminate the limitations of higher education opportunities (including the necessary facilities in the entrance examinations and auditoriums, additional government grant quotas for people with disabilities);

social opportunities for integration and employment of people with disabilities in production processes through the introduction of inclusive entrepreneurship.

Implementation of research results is based on the results of research on socialization of youth with disabilities:

social model of people with disabilities based on five socialization mechanisms (full, partial, one-sided, re-socialization, limited access to socialization) introduced into the activity of the Republican Center for Social Adaptation of Children (January 23, 2019) / Reference Number 34). The application of the scientific findings allowed the process, models and stages of the socialization of people with disabilities, to characterize families raising children with disabilities, and to analyze the socialization of young people with disabilities;

from the proposals and recommendations for social partnerships through volunteer development projects to promote successful integration of people with disabilities into society. (Ministry of Higher and Secondary Special Education of the Republic of Uzbekistan) ng dated May 22, 2019, No. 89-03-2141 reference). Using these recommendations, a contest for social projects on the topic "Life Without Borders" was organized, whereby students increased their willingness to participate in volunteer efforts in addressing the problems and solutions of people with special needs and their solutions;

increasing access to higher education and self-employment through the use of special privileges to eliminate discrimination against people with disabilities in higher education institutions (necessary facilities for people with disabilities in entrance examinations and auditoriums, additional government grant quotas for people with disabilities) State support for people with disabilities On measures to improve the transfer system used in the preparation of the draft resolution (Certificate of the Ministry of Higher and Secondary Special Education of the

Republic of Uzbekistan dated May 22, 2019 № 89-03-2141). Using these recommendations, changes in existing legislation have made it possible for young people with special needs to enter higher education institutions;

from the proposals and recommendations of the National Association of Business Women of Persons with Disabilities of Uzbekistan, from proposals and recommendations on the integration and partial employment of people with disabilities through the implementation of inclusive entrepreneurship, The Fund for Support of NGOs of the Oliy Majlis of the Republic of Uzbekistan “Consolidation of forces and empowerment of women with disabilities” was used for the implementation of the grant project (Reference No. 9 of the National Association of Women Entrepreneurs of Uzbekistan dated July 17, 2018).

expanding opportunities for girls with disabilities through the launch of a hand-made shop for handicapped girls as part of the grant project;

The structure and volume of the dissertation: The thesis consists of an introduction, three chapters, conclusion, list of references, appendices. The total volume of the dissertation research constitutes 154 pages.

ЭЪЛОН ҚИЛИНГАН ИШЛАР РЎЙХАТИ
СПИСОК ОПУБЛИКОВАННЫХ РАБОТ
LIST OF PUBLISHED WORKS

I бўлим (I часть; Part I)

1. Узакова З.Ф. Государственная политика в отношении людей с ограниченными возможностями// Таълим муамолари. - Тошкент. - 2010, № 4-Б. 86-88.

2. Узакова З.Ф. Молодежь с ограниченными возможностями в системе высшего образования (на примере Германии и Великобритании). Ижтимоий фикр. Инсон ҳуқуқлари. – Тошкент. – 2014.– №1. - Б. 29-34 (ОАК нашрлар рўйхатида №6).

3. Узакова З.Ф. Интеграция детей инвалидов в образовательных учреждениях// Ижтимоий фикр. Инсон ҳуқуқлари. – Тошкент. – 2016.– №3 - Б. 47-51 (ОАК нашрлар рўйхатида №6).

4. Узакова З.Ф. Нормативно-правовая поддержка предпринимательства в Республике Узбекистан// Журнал. Демократлаштириш ва инсон ҳуқуқлари. – Тошкент. –2017.– №3. - Б. 43-46 (ОАК нашрлар рўйхатида №4).

5. Uzakova Z.F. Features of socialization of young people with disabilities: criteria and levels of socialization. Asian journal of Multidimensional Research. Vol 7, Issue 12, December 2018. ISSN:2278-4853 SJIF 2017- 5.4 (ОАК рўйхатида-SJIF 2018 (23)).

II бўлим (II часть; Part II)

6. Узакова З.Ф. Образование как один из факторов формирования социальной мобильности молодёжи с инвалидностью. Международный Форум “Социальная поддержка детей и молодёжи – основа благополучного и процветающего общества”. – Ташкент, 2013.

7. Conservatism of stereotypes and unconscious discrimination people with disabilities. Международный научно-практический конгресс педагогов и психологов «The generation of a new stage»//Европейская ассоциация педагогов и психологов «Science» Прага, 5 марта 2014 г.

8. Узакова З.Ф. Education- the way to the integration of young people with disabilities. Journal The unity of science. Vienna, Austria. October, 2016.

9. Узакова З.Ф. Консервативные стереотипы и неосознанная дискриминация молодых людей с инвалидностью в обществе //Ёшлар – келажак бунёдкори шиори остидаги уюшмаган ёшлар билан ишлаш тизими самдорлигини ошириш: муаммо ва истиқболлар мавзусидаги II халқаро илмий-амалий конференция //Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги давлат бошқаруви академияси. Тошкент, 2018

10. Узакова З.Ф. Образовательная социализация молодежи с ограниченными возможностями. Ўзбекистонда ижтимоий ишнинг бугунги ҳолати ва такомиллаштириш масалалари. Илмий-амалий конференция материаллари. Самарқанд 2018 йил 30 май.

Автореферат «Ҷамият ва бошқарув» журнали таҳририятида таҳрир қилинди.

Бичими 60x841 /16. Рақамли босма усули. Times гарнитураси. Шартли босма табағи: 3,5.
Адади 100. Буюртма № 83.

Гувоҳнома реестр № 10-3719
“Тошкент кимё технология институти” босмаҳонасида чоп этилган. Босмаҳона манзили: 100011,
Тошкент ш., Навоий кўчаси, 32-уй.